

Фестивал иштирокчилари зиёратни бошладилар



16:45 / 08.11.2018 3244

Бугун эрталаб Бухоро шаҳрига Нақшбанд туризм фестивали иштирокчиларининг иккинчи гуруҳи ҳам етиб келди. Барча азиз меҳмонлар мезбонлар томонидан тушлик дастурхонига таклиф этилди. Дастурхон атрофида суҳбат қизғин давом этди. Унда Умумжаҳон сўфийлар ташкилоти раҳбари Абдулкарим Ҳадийд нутқ сўзлади. Шунингдек, меҳмонларни ташриф билан “Hilal Travel” сайёҳлик компанияси ҳам муборакбод этди.





**NAOSYBANDI
TOURISM FESTIVAL
UZBEKISTAN 2018**

Hilal Travel
A new time in travelling





Тушликдан сўнг, куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Абдухолиқ Ғиждувоний мажмуа-зиёратгоҳи, “Масжиди Калон” меъморий ёдгорлиги ва Мир Араб Олий мадрасасига ташриф буюришади.





Тадбирнинг кўтаринки кайфиятда ўтишида Бухоро вилояти ҳокимилиги, вилоят ички ишлар бошқармаси, “Ўзбектуризм” Бухоро минтақавий бўлими ҳамда “Мир Араб” олий мадрасаси мударрислари ва талабалари сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Азиз мухлислар, бизни кузатишда давом этинг!

Islom.uz портали таҳририяти